

РУС

ЎЗБ

О’ЗВ

ЎЗБ|РУС

Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг буйруги, 07.05.2021 йилда рўйхатдан ўтган,
рўйхат рақами 3299

Кучга кириш санаси

07.05.2021

Кўшимча ахборот

Улашиш

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУГИ

БЮДЖЕТ ЖАРАЁНИНИНГ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА РАСМИЙ ВЕБ-САЙТЛАРДА МАЪЛУМОТЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 7 майда
рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3299]

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет [кодекси](#), «[Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида](#)»ги, «[2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида](#)»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон «[2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-кувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги \[Фармони\]\(#\) ҳамда 2020 йил 30 декабрдаги ПҚ-4938-сон «\[Ўзбекистон Республикасининг «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида\]\(#\)»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги \[қарорига\]\(#\) мувофиқ буюраман:](#)

1. Бюджет жараёнинг очиқлигини таъминлаш мақсадида расмий веб-сайтларда маълумотларни жойлаштириш тартиби тўғрисида низом [иловага](#) мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 27 апрель,
26-сон
Келишилди:

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори А. БУРХАНОВ

2021 йил 14 апрель

Ҳисоб палатаси раисининг биринчи ўринбосари Б. ТУРАБОВ

2021 йил 24 апрель

Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2021 йил 27 апрелдаги 26-сон буйруғига
ИЛОВА

Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш мақсадида расмий веб-сайтларда маълумотларни жойлаштириш тартиби тўғрисида

НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги, «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясини «Ёшлиарни қўллаб-куватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги **Фармони** ҳамда 2020 йил 30 декабрдаги ПҚ-4938-сон «Ўзбекистон Республикасининг «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги **карорига** мувофиқ биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар, иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар, худудий бюджет маблағларини тақсимловчилар, давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг расмий веб-сайтида бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш бўйича маълумотларни жойлаштириш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда куйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

расмий веб-сайт — Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидаги тегишли ташкилотга ёки бўйсунув тартибida юқори турувчи органга тегишли бўлган ва уларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган расмий веб-сайт сифатида идентификация килинадиган, ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган ресурсдир;

бюджет тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ очиқ маълумотлар (бундан буён матнда очиқ маълумотлар деб юритилади) — Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг **166¹-моддасига** ва «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида» Қонунининг **14-моддасига** мувофиқ расмий веб-сайтларда эълон қилинадиган, шунингдек бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларининг даромад ва харажатлари, давлат субсидия ва грантларининг миқдорлари ва олувчилари ҳақида маълумотлар;

бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари — қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган манбалар ҳисобидан бюджет ташкилоти тасарруфига келиб тушадиган маблағлар;

машинада ўқиладиган формат — маълумотларни дастурий қайта ишланишини таъминловчи, ушбу маълумотларни тақдим этишининг электрон формати;

очиқ маълумотларни етказиб берувчи (бундан буён матнда етказиб берувчи деб юритилади) — бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш мақсадида расмий веб-сайтларда маълумотларни жойлаштирувчи биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар, иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар, ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчилар, давлат мақсадли жамғармалари маблағларини тасарруф этувчилар, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг ижро этувчи дирекцияси.

2. Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш мақсадида расмий веб-сайтларда жойлаштириладиган маълумотлар қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

маълумотларни қонуний талаблардан келиб чиқсан ҳолда очиқ, бепул ва машинада ўқиладиган форматларда эълон қилиш ҳамда улардан эркин фойдаланишни таъминлаш;

шахсга доир маълумотларнинг тарқатилмаслигини ёки ошкор қилинмаслигини таъминлаш;

давлат сирини ёки қонун билан муҳофаза қилинадиган бошқа сирни ўз ичига олган маълумотларни, шунингдек, махфий ахборотни ошкор қилмаслик;

нотўғри маълумотларни ўз ичига олмаслик.

2-боб. Очиқ маълумотларнинг ахборот мазмуни ва жойлаштириш муддатлари

3. Етказиб берувчилар ҳар чорак якупнлари бўйича кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар ўзининг расмий веб-сайтларига:

а) ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида маблағлар тақсимоти тўғрисида маълумот мазкур Низомнинг [1-иловасига](#) мувофиқ шаклда;

б) қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ қўйидаги шакллардаги даврий молиявий ҳисоботлар:

баланс;

харажатлар сметасининг ижроси ҳақидаги ҳисобот;

бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан мавжуд дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумот;

давлат мақсадли жамғармаларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг даромадлари ҳамда харажатлари ижроси ҳақидаги маълумотлар;

бюджет ташкилотларининг тармоқ, штатлар ва контингентлар режаларининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботлар;

в) капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ижроси тўғрисидаги маълумотлар мазкур Низомнинг **2-иловасига** мувофиқ шаклда;

г) ўтказилган танловлар (тендерлар) ва амалга оширилган давлат харидлари тўғрисидаги маълумотларни мазкур Низомнинг **3-иловасига**, асосий воситаларни харид қилиш учун ўтказилган танловлар (тендерлар) ва амалга оширилган давлат харидлари тўғрисидаги маълумотлар мазкур Низомнинг **4-иловасига**, кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларни харид қилиш учун ўтказилган танловлар (тендерлар) ва амалга оширилган давлат харидлари тўғрисидаги маълумотлар мазкур Низомнинг **5-иловасига** ҳамда қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари бўйича ўтказилган танловлар (тендерлар) тўғрисидаги маълумотлар мазкур Низомнинг **6-иловасига** мувофиқ шаклларда жойлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Очиқ бюджет» ахборот порталида бюджет ташкилотларининг харажатлари ижроси, бюджетдан ташқари маблағлар тушуми ва харажатлари ҳамда давлат харидлари юзасидан маълумотларни тизимлаштирилган ҳолда туман (шаҳар)лар кесимида жойлаштириб боради.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда тегишли биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурларининг ижро этилиши тўғрисидаги маълумотларни ўзларининг расмий веб-сайтларига ҳар чорак яқунларига кўра, чоракдан кейинги ойнинг 25-санасидан кечиктирмай жойлаштириб боради.

Бунда маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан мазкур Низомнинг **7-иловасига** мувофиқ шаклда ва биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан мазкур Низомнинг **8-иловасига** мувофиқ шаклда ўзларининг расмий веб-сайтларига жойлаштиради.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Давлат божхона қўмитаси солиқ ва божхона имтиёzlари рўйхатини мазкур Низомнинг **9** ва **10-иловаларига** мувофиқ шаклда, шунингдек тадбиркорлик субъектларига тақдим этилган солиқ ва божхона имтиёzlарининг микдори тўғрисидаги маълумотларни мазкур Низомнинг **11** ва **12-иловаларига** мувофиқ шаклда ўзларининг расмий веб-сайтларига ҳар чоракда чоракдан кейинги ойнинг 25-санасидан, йиллик ҳисботларни йил яқунлари бўйича кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай жойлаштириб боради.

6. Давлат молиявий назорати органлари молия йилининг биринчи ойида молия йили учун иш режалари тўғрисидаги маълумотларни, ҳар чорак яқунларига кўра эса назорат тадбирлари натижалари бўйича аниқланган молиявий ҳуқуқбузарликлар ва ижобий натижалар ҳақидаги маълумотларни чоракдан кейинги ойнинг 25-санасидан кечиктирмай ўз расмий веб-сайтларига мазкур Низомнинг **13-иловасига** мувофиқ шаклда жойлаштириб боради.

7. Давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар мазкур Низомнинг **2-бандида** белгиланган маълумотлар билан бирга давлат мақсадли жамғармаларидан субсидиялар ва кредит олувчилари тўғрисидаги маълумотларни мазкур Низомнинг **14-иловасига** мувофиқ шакл бўйича ҳар чорак якунлари бўйича кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасидан кечиктирмай ўзларининг расмий веб-сайтларида жойлаштириб боради.

8. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган обьектлар рўйхати, шунингдек қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар мазкур Низомнинг **15-иловасига** мувофиқ шаклда ҳар чорак якунларига қўра, кейинги чорак биринчи ойининг 10 санасига қадар тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари томонидан мажбурий тартибда ўз расмий веб-сайтларида жойлаштирилади.

Олдинги таҳрирга қаранг.

8¹. Туман ва шаҳар ҳокимликлари ташабbusli бюджетлаштириш натижалари бўйича маълумотларни мазкур Низомнинг **16-иловасига** мувофиқ шаклларда «Очиқ бюджет» ахборот портали ҳамда ўзларининг расмий веб-сайтларига ҳар чорак якунларига қўра, кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар жойлаштириб боради.

(8¹-банд Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2021 йил 28 декабрдаги 80-сонли бўйруғига (рўйхат рақами 3299-1, 14.01.2021 й.) асосан киритилган — Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 14.01.2022 й., 10/22/3299-1/0028-сон)

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Очиқ бюджет» ахборот порталига:

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилари кесимида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ва уларнинг ижроси тўғрисидаги маълумотларни ҳисбот чорагининг якунларига қўра, ҳисбот чорагидан кейинги ойининг 25 санасига қадар;

- давлат қарзининг ҳолати ва ўзгариши тўғрисидаги маълумотларни ҳар чоракда ҳисбот чорагидан кейинги иккинчи ойининг 25 санасига қадар жойлаштириб боради.

10. Етказиб берувчиларнинг расмий веб-сайтларида «Бюджет тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ очиқ маълумотлар» бўлими очилади ва очиқ маълумотлар ушбу бўлимга жойлаштириб борилади. Мазкур бўлимда жойлаштириб бориладиган маълумотлар давлат тилида тақдим этилиши зарур. Бўлим бошқа тиллардаги teng қийматли ёки қисқартирилган версияларига эга бўлиши мумкин.

«Бюджет тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ очиқ маълумотлар» бўлимига маълумотлар жойлаштирилганда, янгиланганда ёки ўзгартирилганда расмий веб-сайтнинг янгиликларда ёритиб бориладиган

саҳифасида тегишли чорак бўйича маълумотлар жойланганлиги юзасидан хабар қолдирилиши керак.

11. Очиқ маълумотлар машинада ўқиладиган форматда (XLSX, CSV, XML, JSON, PDF) эълон қилиниши керак. CSV форматида яssi жадвал шаклига эга маълумотлар эълон қилиниши керак, бунда ёзув таркибида сатрни кўчириш символидан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Мураккаб иерархияли маълумотларни XML форматида эълон қилиш зарур.

3-боб. Очиқ маълумотларни жойлаштириш тартиби

12. Етказиб берувчи қуидагиларга:

расмий веб-сайтларнинг «Бюджет тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлариға мувофиқ очиқ маълумотлар» бўлимида очиқ маълумотлар тўпламларини эълон қилиш масалалари бўйича масъул ходим ва унинг алоқа маълумотлари ўзининг расмий веб-сайтида эълон қилинишини таъминлашга;

ўзининг расмий веб-сайтида жойлаштириладиган очиқ маълумотларнинг тўлиқлиги, ишончлилиги ва долзарблигини таъминлашга;

ўзининг расмий веб-сайтида жойлаштириладиган очиқ маълумотларнинг асоссиз ўчириб ташламаслигига ва доимий сақланишига;

ўзининг расмий веб-сайтини янгилаганда, олдинги даврда жойлаштирилган очиқ маълумотларни янгилангандан расмий веб-сайтда тўлиқ ҳажмда ўтказилишига;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатларда очиқ маълумотларни даврий янгилаб борилишини таъминлашга мажбур.

13. Туман ва шаҳар ҳокимликларининг расмий веб-сайtlари мавжуд бўлмаган ҳолларда мазкур Низомнинг [2](#) ва [7-бандларида](#) белгиланган маълумотларни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари расмий веб-сайtlарида жойлаштиради. Бунда очиқ маълумотларнинг тўлиқлиги, ишончлилиги, долзарблиги ва ўз вақтида жойлаштирилиши юзасидан жавобгарлик тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига юклатилади.

14. Худудий бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг расмий веб-сайtlари мавжуд бўлмаган ҳолларда мазкур Низомнинг [2](#) ва [7-бандларида](#) белгиланган маълумотларни тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳарлар ҳокимликлари расмий веб-сайtlарида жойлаштиради.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

15. Мазкур Низом талабларини бузганликда айбдор шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

16. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан келишилган.

Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш мақсадида расмий веб-сайтларда маълумотларни жойлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга 1-ИЛОВА

20 йилда бюджетдан ажратилган маблағларнинг чегараланган микдорининг ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида тақсимоти тўғрисида

МАЪЛУМОТ

Т/ Р	Ўз тасарруфидаги бюджет ташкilotларини нг номланиши	Хисобот даври мобайнида бюджетдан ажратилаётган маблағлар суммаси				
		жам и	шундан:			
			иш ҳақи ва унга тенглаштирув чи тўловлар микдори	ягона ижтимои й солиқ	бошқа жорий харажатла р	объектларни ложиҳалаштири ш, қуриш, (реконструкция қилиш) ва таъмирлаш ишлари учун капитал қўйилмалар
1.						
2.						
3.						
...						
Жами		0	0		0	0

Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш мақсадида расмий веб-сайтларда маълумотларни жойлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга **2-ИЛОВА**

**20 ____ йилда _____ капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга
оширилаётган лойиҳаларнинг ижроси тўғрисидаги
МАЪЛУМОТЛАР**

4.								
----	--	--	--	--	--	--	--	--

* Изоҳ: Молиялаштириш манбаси аниқ кўрсатилади. Молиялаштириш манбалари: Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети, Давлат мақсадли жамғарма маблағлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети таркибидаги бюджетларнинг қўшимча манбалари, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари

Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш мақсадида расмий веб-сайтларда
маълумотларни жойлаштириш тартиби тўғрисидаги **НИЗОМГА**

3-ИЛОВА

20 йилда томонидан ўтказилган танловлар (тендерлар) ва амалга оширилган давлат харидлари тўғрисидаги

МАЪЛУМОТЛАР

Т/р	Ҳисобот даври	Йўналишлари	Товар (иш ва хизмат)лар харид қилиш учун тузилган шартномалар		Молиялаштириш манбаси*
			сони	суммаси	
1.	1-чорак	асосий воситалар харид қилиш кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар харид қилиш курилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш сақлаш харажатлари билин боғлиқ харидлар			
2.	2-чорак	асосий воситалар харид қилиш кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар харид қилиш курилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш сақлаш харажатлари билин боғлиқ харидлар			
3.	3-чорак	асосий воситалар харид қилиш кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар харид қилиш курилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш сақлаш харажатлари билин боғлиқ харидлар			
4.	4-чорак	асосий воситалар харид қилиш			

		кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар харид қилиш курилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш сақлаш харажатлари билин боғлиқ харидлар		
--	--	--	--	--

* Изоҳ: Молиялаштириш манбаси аниқ кўрсатилади. Молиялаштириш манбалари:
Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети, Давлат мақсадли жамғарма маблағлари,
Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети таркибидаги бюджетларнинг қўшимча манбалари,
бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари

Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш мақсадида расмий веб-сайтларда
маълумотларни жойлаштириш тартиби тўғрисидаги **НИЗОМГА**

4-ИЛОВА

20 йилда томонидан асосий воситалар харид қилиш учун ўтказилган танловлар (тендерлар) ва амалга оширилган давлат харидлари тўғрисидаги

МАЪЛУМОТЛАР

Т / Р	Хисобот даври	Харид қилинган товарлар ва хизматлар номи	Молиялаштириш манбаси*	Харид жараёнини амалга ошириш тури	Лот/шартнома рақами	Пудратчи тўғрисида маълумот лар		Харид қилин аётган товарлар (хизматлар)	Корхона СТИРИ	Харид қилин аётган товарлар (хизматлар) миқдори (ҳажми)	Битим (шартнома) бўйича товарлар (хизматлар) миқдори (ҳажми)	Харид қилинган товарлар (хизматлар) жами миқдори (ҳажми) қиймати (минг сўм)
						Пудратчи номи	Пудратчи номи					
1.												
2.												
3.												
4.												
5.												
6.												

* Изоҳ: Молиялаштириш манбаси аниқ кўрсатилади. Молиялаштириш манбалари:
Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети, Давлат мақсадли жамғарма маблағлари,
Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети таркибидаги бюджетларнинг қўшимча манбалари,
бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари

Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш мақсадида расмий веб-сайтларда
маълумотларни жойлаштириш тартиби тўғрисидаги **НИЗОМГА**

5-ИЛОВА

**20 ____ йилда _____ томонидан кам баҳоли ва тез
эскирувчи буюмлар харид қилиш учун ўтказилган танловлар (тендерлар)
ва амалга оширилган давлат харидлари тўғрисидаги**

МАЪЛУМОТЛАР

T / P	Хисобот даври	Харид қилинган товарлар ва хизматлар номи	Харид жараёнини амалга ошириш тури	Молияла штириш манбаси*	Лот/шартнома рақами	Пудратчи тўғрисида маълумот лар		Харид қилинётган товарлар (хизматлар)	Корхона СТИРи	Харид қилинётган товарлар (хизматлар)	Битим (шартнома) бўйича товарлар (хизматлар)	Харид қилинган товарлар (хизматлар) жами миқдори (ҳажми)
						Пудратчи номи	Корхона СТИРи					
1.												
2.												
3.												
4.												

* Изоҳ: Молиялаштириш манбаси аниқ кўрсатилади. Молиялаштириш манбалари: Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети, Давлат мақсадли жамгарма маблағлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети таркибидаги бюджетларнинг қўшимча манбалари, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамгармалари маблағлари

Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш мақсадида расмий веб-сайтларда
маълумотларни жойлаштириш тартиби тўғрисидаги **НИЗОМГА
6-ИЛОВА**

**20 ____ йилда _____ томонидан қурилиш, реконструкция
қилиш ва таъмирлаш ишлари бўйича ўтказилган танловлар (тендерлар)
тўғрисидаги**

МАЪЛУМОТЛАР

T / P	Хисобот даври	Тадбири номи	Молиялаштириш манбаси*	Харид жараёнини амалга ошириш тури	Пудратчи тўғрисида маълумотлар		Шартноманинг умумий қиймати (минг сўм)
					Пудратчи номи	Корхона СТИРи	
1.							
2.							
3.							
4.							

* Изоҳ: Молиялаштириш манбаси аниқ кўрсатилади. Молиялаштириш манбалари: Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети, Давлат мақсадли жамгарма маблағлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети таркибидаги бюджетларнинг қўшимча манбалари, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамгармалари маблағлари

Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш мақсадида расмий веб-сайтларда маълумотларни жойлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга 7-ИЛОВА

**20 ____ йилда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан
молиялаштирилдиган ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини
ривожлантириш дастурларининг ижро этилиши тўғрисидаги
МАЪЛУМОТ**

T/ P	Биринчи даражали бюджет маблағла ри тақсимло вчи номи*	Объе кт сони	Режалаштирилган маблағ		Молиялашти рил-ган маблағ (минг сүм)	Бажарилган ишлар ва харажатлар нинг микдори (минг сүм)	Ажратилган маблағнинг ўзлаштирил иши (%)
			Йил бошида учун тасдиқлан ган дастур асосида (минг сүм)	Йил давомид а кўшимч а ажратил ган маблағл ар асосида (минг сүм)			
1.							
2.							
3.							
4.							
5.							
6.							

* Изоҳ: Давлат бюджети тўғрисидаги қонунда белгиланган биринчи даражали бюджет маблағлари таксимловчилар бўйича тўлдирилади.

Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш мақсадида расмий веб-сайтларда
маълумотларни жойлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга
8-ИЛОВА

**20____ йилда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан
молиялаштириладиган ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини
ривожлантириш дастурларининг ижро этилиши тўғрисидаги**

					асосид а (минг сўм)		
I	Янги курилиш						
II	Реконст рукция						
II I	Жиҳозл аш						
I V	Кейинг и йиллар лойиха қидирув ишлари учун						
V	Кредито р қарздорли кни қоплаш						
V I	Мукам мал таъмирла ш						

Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш мақсадида расмий веб-сайтларда маълумотларни жойлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга 9-ИЛОВА

Тақдим этилган солиқ имтиёзлари

РҮЙХАТИ

(ой) 20 йил *

Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш мақсадида расмий веб-сайтларда
маълумотларни жойлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга
10-ИЛОВА

Тақдим этилган солиқ имтиёзлари

РҮЙХАТИ

(ой) 20 йил *

Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш мақсадида расмий веб-сайтларда
маълумотларни жойлаштириш тартиби тўғрисидаги **НИЗОМГА**
11-ИЛОВА

**20____ йилда Тадбиркорлик субъектларига тақдим этилган солиқ
имтиёзлари тўғрисида**
МАЪЛУМОТ

Т/р	Тадбиркорлик субъекти номи	СТИР	Жами имтиёз суммаси (минг сўм)
1.			
2.			
3.			
4.			
5.			
6.			
7.			
8.			
9.			
10.			

Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш мақсадида расмий веб-сайтларда
маълумотларни жойлаштириш тартиби тўғрисидаги **НИЗОМГА**
12-ИЛОВА

**20____ йилда Тадбиркорлик субъектларига тақдим этилган божхона
имтиёзлари тўғрисида**
МАЪЛУМОТ

Т/р	Тадбиркорлик субъекти номи	СТИР	Жами имтиёз суммаси (минг сўм)
1.			

2.			
3.			
4.			
5.			
6.			
7.			
8.			
9.			
10.			

**Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш мақсадида расмий веб-сайтларда
маълумотларни жойлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга
13-ИЛОВА**

**20 ____ йилда Ўзбекистон Республикасининг Давлат молиявий назорат
органлари томонидан ўtkазилган назорат тадбирлари юзасидаги**

**МАЪЛУМОТ
РЕЖАСИ ***

T/p	Назорат тадбирлари мазмуни	Ўтказиш санаси	Объектлар номи

* Ҳар чорак якунлари бўйича ўтказилган назорат тадбирлари натижалари юзасидан
вазирликлар ва худудлар кесимида маълумот тақдим этилади.

**Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш мақсадида расмий веб-сайтларда
маълумотларни жойлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга
14-ИЛОВА**

**20 ____ йилда _____ Давлат мақсадли жамғармалардан
ажратилган субсидиялар, кредитлар ҳамда тижорат банкларига
жойлаштирилган депозитлар тўғрисидаги**

МАЪЛУМОТЛАР

**Кредитла
р бўйича:**

T/p	Кредит олувчила р номи	СТ ИР	Жойла шган худуд (вилоя)	Маблағ ажратили шидан	Ажратилг ан маблағ (минг сўм)	Ажратилиши тартиби	Ажратилган кредит маблағларининг қайтарилиши

Субсидиялар бўйича:

T /p	Субсидия олувчила р номи	СТ ИР	Жойла шган худуд (вилоя т, туман (шахар)	Маблағ ажратили шидан кўзланга н мақсад	Ажратилг ан маблағ (минг сўм)	Маблағ ажратилиши юзасидан асословчи хужжат номи ва санаси
1.						
2.						
3.						
Жами		x	0	0	0	x

Депозитлар бўйича

Т /р	Депозит жойлашти рилган банк номи	СТ ИР	Мудда ти	Фоизи	Жойлашт ирилган маблағ (минг сўм)	Шартнома рақами ва санаси
1.						
2.						
3.						
Жами		0	0	0		x

Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш мақсадида расмий веб-сайтларда маълумотларни жойлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга 15-ИЛОВА

_____ қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган
товарлар ҳамда хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш-
ишлари олиб борилаётган обьектлар рўйхати, шунингдек қурилиш-
таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисида

МАЪЛУМОТ

(ой) 20 йил *

T/ P	Кўши мча	Шаклла нган кўшимч	Кўшимча манба хисобидан	Маблағ ажрати лган	Маблағ ажратили шидан	Ажрати лган маблағ	Молиялашти рилган	Амалга ошири
---------	-------------	--------------------------	-------------------------------	--------------------------	-----------------------------	--------------------------	----------------------	-----------------

	манба номи	а маблағ микдор и	маблағ ажратилиши бўйича маҳаллий давлат органининг қарори	ташкил от	кўзланган мақсад*	микдор и (минг сўм)	маблағ (минг сўм)	лган ишлар
1.								
2.		x						
3.		x						
4.		x						
5.		x						

* Изоҳ: Маҳаллий давлат органининг қарорига асосан маблағ ажратилган мақсадига кўра бир нечта йўналишларга ёки ташкилотларга маблағ ажратилган ҳолларда ушбу мақсадлар ва ташкилотлар алоҳида қаторда акс эттирилади.

Олдинги таҳрирга қаранг.

Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш мақсадида расмий веб-сайтларда маълумотларни жойлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга
16-ИЛОВА

Ташаббусли бюджетлаштириш натижалари бўйича МАЪЛУМОТ

туман _____ (ой) 20__ йил
(шахар)

1-жадвал

T/p	Кўрсаткич номи	Сумма (минг сўм)
1.	Йил бошига қолдик	
2.	Фуқаролар ташаббуси жамғармасига ўtkазилган маблағлар*	
3.	Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган (ғолиб деб топилган) тадбирларни молиялаштириш учун йўналтирилган маблағлар**	
3.1.	Тадбирларни амалга ошираётган пудратчи ташкилотларга бажарилган ишлар учун тўланган маблағлар	
3.2.	Тадбирларни молиялаштиришга ажратилган, бироқ пудратчи ташкилотларга тўлаб берилмаган қолдик маблағлар	
4.	Фуқаролар ташаббуси жамғармасидаги қолдик маблағлар	

2-жадвал

T/p	Бажарилган тадбирлар номи	Молиялаштирилган таклифлар сони	кўрсаткичлар		
			ўлчов бирлиги	микдори	сарфланган маблағлар
1.	Худудий ички йўллар		умумий узунлиги		

2.	Умумтаълим мактабларини таъмирлаш ва жихозлаш		сони		
3.	Мактабгача таълим муассасаларини таъмирлаш ва жихозлаш		сони		
4.	Соғлиқни сақлаш муассасаларини таъмирлаш ва жихозлаш		сони		
5.	Бошқа ижтимоий соҳа муассасаларини таъмирлаш ва жихозлаш		сони		
6.	Ичимлик суви таъминотини яхшилаш		умумий узунлиги		
7.	Кўча чироқларини ўрнатиш		чироқлар сони		
8.	Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш		тадбирлар сони		
9.	Бошқа тадбирлар		сони		
жами			X	X	

Изоҳ:

* Ушбу қаторда мазкур маълумотнинг 1-иловасидаги Фуқаролар ташаббуси жамғармасига ҳақиқатда ўтказилган маблағлар устунининг Жами ажратиладиган маблағлар қаторидаги маблағлар акс эттирилади.

** Ушбу қаторда мазкур маълумотнинг 2-иловасидаги Ажратилган маблағлар устунининг жами қаторидаги маблағлар акс эттирилади.

Ташаббусли бюджетлаштириш натижалари бўйича маълумотга 1-ИЛОВА

Фуқаролар ташаббуси жамғармаси маблағларини шакллантирилиши юзасидан

МАЪЛУМОТ

_____туман _____ (ой) 20__ йил
(шахар)

Т/ р	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси маблағларини шакллантириш манбалари	Фуқаролар ташаббуси жамғармасига йўналтирилиши лозим бўлган маблағлар				Фуқаролар ташаббуси жамғармасига ҳақиқатда ўтказилган маблағлар	Фарқи	Изоҳ
		1-чора к	2-чора к	3-чора к	4-чора к			
1.	Туман (шахар) бюджетининг тасдиқланган умумий харажатларининг 5 фоиз қисми микдорида ажратиладиган маблағлар							
2.	Туман (шахар) бюджетининг қўшимча манбаларининг 30 фоизи							

	миқдорида ажратиладиган маблағлар						
2.1 . .	эркин қолдик маблағлари						
2.2 . .	даромадларнин г ҳисобот чораклари якунлари бүйича аниқланадиган прогноздан ошириб бажарилган қисми						
2.3 . .	Шу жумлада н	давлат даромадига үтказилган мол-мулкни реализация қилишдан түшган түшумлар					
2.4 . .		электрон савдо майдончасида ер участкаларига бўлган хуқуқларни сотишдан түшган маблағлар					
2.5 . .		бюджетдан ажратиладиган маблағлар камайтирилиш и натижасида бўшаб қолган маблағлар					
3.	Жами ажратиладиган маблағлар						

**Ташаббусли бюджетлаштириш натижалари бўйича маълумотга
2-ИЛОВА**

**Фуқаролар ташаббуси жамғармасидан жамоатчилик фикри асосида
шакллантирилган (ғолиб деб топилган) тадбирларни молиялаштириш
учун йўналтирилган маблағлар юзасидан**

МАЪЛУМОТ

_____туман (шаҳар)	_____ (ой) 20__ йил
-----------------------	---------------------

T / p	Тадбирни нг хос рақа ми (ID)	Жамитўплан ган овозлар сони	шундан			Тадбирни нг кисқача мазмуни (соҳаси)	Тадбирнинг молиялаштирилиши (минг сўм)				
			онлаин овозда	офлаин ово зла	SMS опка ли		Тадбирни молиялаштир иш учун очилгани ҳисобв арак	Тадбирни фуқаро томонида накири тилғандаст лабк и қиймати	Тадбирни амалга ошириш киймати*	Ажратилган мабл ағлар	Бажарилган ишилар учун тўлашиб берилган мабл ағлар
1.											
2.											
3.											
Жами:											

Изоҳ:

* Тадбирни амалга ошириш қиймати устунида лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан пудратчи ташкилотлар билан тузилган шартномада тадбирни амалга ошириш учун назарда тутилган қиймат акс эттирилади.

(16-илюва Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2021 йил 28 декабрдаги 80-сонли буйруғига (рўйхат рақами 3299-1, 14.01.2021 й.) асосан киритилган — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 14.01.2022 й., 10/22/3299-1/0028-сон)

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.05.2021 й., 10/21/3299/0438-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 14.01.2022 й., 10/22/3299-1/0028-сон)

Марказ ҳақида
Сайт янгиликлари
Сайтда реклама
RSS



TASHKENT 6 1804999
62882
236442

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази давлат муассасаси